



ТҮРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1994 йил 16 июль • Шанба • № 54 (14215)

ترکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигини нишонлашга ўз вақтида тайёргарлик кўриш, истиқлол гоҳларини ҳар бир фуқаронинг тафаккурига етказиш, еш авлоднинг юртпарварлиги ва миллий гурур руҳида тарбияланиш янада кучайтириш, шунингдек, байрамни юксак гоҳвий ва маданий-бадний савияда ўтказишнинг таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.
2. Ташкилий қўмита тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 10 кун муддатда: Тошкент шаҳрида байрамни ўтказиш юзасидан ташкилий, маданий, маърифий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда мустақиллиги кунининг юзори гоҳвий-бадний савияда уюшқоқлик билан ўтказишнинг таъминлаш чора-тадбирларини белгиласин.
3. Республика Адлия ва Ички ишлар вазирликлари тегишли идоралар билан ҳамкорликда мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан жиноий жавобгарликка тортилганларнинг ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинганларнинг айрим тоифаларига нисбатан умумий амф (амнистия) эълон қилиш тўғрисида таклифларини киритсинлар.
4. Давлат матбуот қўмитаси ташкилий қўмита талабномаси асосида зарур босма махсулотларни нашр қилсин.
5. Давлат телерадиокомпанияси ва барча оммавий ахборот воситаларига мустақиллиги кунини нишонлашга тайёргарлигининг боришини, мустақил Ўзбекистон давлатининг тикланиш тарихини, халқроқ мавқеи ортб бораётганини, халқимизнинг маънавий ва моддий ҳаётида рўй бераётган чуқур ўзгаришларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўрсатувлар, эшиттиришлар ва асарларни бериб бориш топириқсин.
6. Давлат кинокмпанияси Ўзбекистонда мустақиллиги кунининг уч йиллигини нишонлашга бағишланган ҳужжатли-хроникал фильмлар яратсин.
7. Белгилаб қўйилсинки, пойтахтда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақдир қилган ҳисоб-китоб асосида тенг улушларда республика ва шаҳар бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда эса маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади.
8. Бир қатор йирик меҳнат жамоаларининг, республика хайрия жағмараларининг ихтиёрий равишда байрам тадбирларини ўтказишга ўз ҳисобларидан маблағ ажратиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.
9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 июль

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июль кунини Германия Федератив Республикасига қарашли "Сименс" компанияси президенти ва бошқаруви раиси доктор Х. Фон Пирерни қабул қилди.

Ислам Каримов мамлакатимизнинг тобора кенгайиб бораётган ташқи иқтисодий фаолиятида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўрнат қилиб кўрсатишга муносиб эканини таъкидлади.

— Жаҳон миқёсида ноёб замонавий электрон ҳисоблаш ишлаб чиқарувчи йирик ҳамда нуфузли ҳисобланган компанияга келсак, "Сименс"ни республикада жуда қадрлашди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Айниқса, республикадаги алоқа тармоқларини янгиллаш ва тақомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон ва "Сименс" ўртасида тузилган дастур, шунингдек, соғлиқни сақлаш, энергетика, алоқа вазирликларимиз билан ҳамкорликка асосланган ҳамда 1994-1996 йиллар ичида амалда татиқ этиш режалаштирилган лойиҳаларини эътиборга лойиқдир.

Х. Фон Пирер Ўзбекистон ҳукуматининг мавжуд техникани модернизациялаш йўлидаги саъйи-ҳаракатини маъқуллади. Бу ҳаракат келгусида республиканинг иқтисодий ва сиесий камолотига ҳисса қўшади, дея ишонч билдирди.

— Тегишли муассасаларда ҳукуматининг вакиллари билан бўлиб ўтган мазмунли ва самардор музокаралар учун, президент жаноблари, миннатдорлигини қабул эттайсиз, — деди меҳмон сўхбат пироварида.

Мулоқот чоғида Тошкент шаҳрида "Германия иқтисодий уйи" барпо этиш мақсадида мувофиқ экани ва тузилажак муассаса Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар равақига муносиб ҳисса қўшади қайд этилди.

Қабул маросимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ҳамда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

"ЕРКИН КАРАКАЛПАКСТАН" ХАМДА "ВЕСТИ КАРАКАЛПАКСТАНА" ГАЗЕТАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасининг сиесий-ижтимоий, иқтисодий маданий ва маънавий ҳаётини ертишдаги катта хизматлари учун "Еркин Каракалпақстан" ҳамда "Вести Каракалпақстана" газеталари Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан мукофатлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 14 июль.

НАВОЙИЙ КОН — МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ 2 — ГИДРО- МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Қадрли дўстлар!

Марказий Қизилқумда олтин тозалаш заводи ишга тузирилганига 25 йил тўлиши муносабати билан сизларни чин дилдан табриқлайман.

Жамоангиз босиб ўтган катта ва шонли йўл ўз бурчига садоқатли муносабатининг гузал намунаси, меҳнатдаги жасоратининг ажайаб мактабидир.

Қисқа муддат ичида қуш уса қаноти қуялган саҳрода олтинни қайта ишловчи йирик мажмуа қурилиб, илгор технология билан жиҳозланди ҳамда жаҳон бозорида тан олинган юксак сифатли олтин бера бошлади.

Сиз меҳнат қилаётган завод республиканинг энг йирик корхоналаридан бири сифатида Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигининг мустаҳкамланишига бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Ишчи ва муҳандислар Ўзбекистон Республикаси саноатининг сардорларидан бири бўлган ўз корхоналари билан ҳар қанча фахрланаслар

арзийди.

Қизилқумда олтин қазиб чиқариш саноатининг пайдо бўлиши ибтидоида жасур ва ўз бурчига содиқ инсонлар турган эди. Завод ва комбинатнинг аjoyиб жамоалари халқлар дўстлиги, ўзаро ҳамжихатлик, фуқаролик бурчини тегаран хис этиш асосида юзага келган меҳнат аънавларини аяйлаб сақламоқдалар. Бу жамоалар қончилар ва металлургияларнинг ушбу аънавларини келтурси авлодларга етказишларига, Марказий Қизилқумни ўзлаштириш ва унинг саноатини ривожлантиришнинг қудратли омили бўлиб қолишига ишонаман.

Айиз дўстлар, ушбу кутлуг кун муносабати билан сизларни самимий табриқлайман. Барча олтин қазиб олувчиларга ва уларнинг ойда аълоларига сийҳат-саломатлик, фаровонлик тилайман.

И. КАРИМОВ.
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ўн бешинчи сессияси бўлди. Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Мустақиллигимиз эълон қилинганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида халқимиз ва давлатимиз тарихида гоҳат катта ижтимоий-сиесий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди, деди Президент.

Миллий давлатчилигимизни, қўл асрилик маънавий меросимиз, тарихи маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизни қайта тиклаш борасида сезиларли қадамлар қўйилди. Қисқа қилиб айтганда, ўз тараққиёт йўлимизни ажлодаримизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги пешқадам давлатларнинг иқтисодий-ишғаришан ютуқлари асосида белгиланган қўл оқдами з. Жаҳиятимизнинг мутлақо янги асослари шаклланимоқда. Давлат бошқаруви, иқтисод қонунлари ўзгаришти. Хусусий мулкчиликка асосланган, қўл уқладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодий пайдо бўлаётир. Жаҳондаги энг илгор таърибаларга таъянган ҳолда бозор иқтисодиетида хос молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этиляпти.

Бугун биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз, деди Президент Ислам Каримов миллий валютаимизнинг муомалага киритилиши хусусида тўхталиб. Сўмни муомалага киритиш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда с е р ф а р а з а н д оилалар, нафақахўрлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Қолаверса, миллий пулга эга бўлиш улкан саодат. Энди ҳамма гап ана шу саодатнинг қадрига етишда.

Тўғри, пулнинг қадриқиммати унинг тайе махсулот, олтин захираси билан таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар билан белгиланади. Аммо унинг яна бир муҳим омили борки, бу — ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг қучқудрати, қадри баланд бўлиши йўлида филокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Зеро, миллий пулимиз — миллий гуруримиз демокдир.

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммаимизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, илмий ва маданий маркази, бошқача қилиб айтганда, ўлтин юрғидир. Шу сабабли Тошкентдаги ижтимоий-сиесий барқарорликка, ишларнинг аҳолига қараб бўтун республика ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакат ҳам қудратли бўлади, тараққиёт йўлидан дадил олға бораверади. Тошкентликлар ҳақиқий фидойи ватанпарвар эканликларини доимо амалда исбот қилиб келганлар. Қўпгина ибратли ишлар, ташаббуслар, янгиларик олатай пойтахтдан бошланган. Шаҳарликларнинг заҳматқаш қўллари билан зилзила вайроналари ўрнида қад кўтарган.

Тошкент афсоналаргадигек ешариб аяшнаб кетди, бутун қўрқи, қиройи, муҳташамлиги билан чинакам шарқ дарвозасига айланди, деди Ислам Каримов. Сизларнинг заковатингиз билан саноатда, бошқа муҳим соҳаларда илму фан тараққиётини белгилаб берувчи замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Низо ва адоватларга чек қўйиш, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини ва тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш қабил саъйишларга бош-қош бўлгани туфайли "Тошкент руҳи" деган тушунча тутилди ва бутун дунёга тарқалди. Бугун ҳам бу руҳ тирик, у тобора янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Тошкент шаҳри азиямининг талаб ва эҳтиёлларига ҳамиша қатта аҳамият бериб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Масалан, шаҳар жамоат транспортига янги автобус, трамвай ва троллейбуслар сотиб олиш учун муноазам равишда валюта маблағлари ажратилмоқда. Аҳоли учун уй-жой қуриш, шаҳар коммунал хўжалиги сарф-харажатларининг асосий қисми ҳам давлат бюджетидан қопланапти.

Тошкент саноати — мамлакатимиз иқтисодийнинг таянч устуларидан биридир. Агар унинг фаолиятида қамчилик юз берса, бунинг оқибати бутун халқ хўжалигида сезилади, дея таъкидлади Ислам Каримов. Шундай экан, пойтахт саноатининг барқарор ишлаши, махсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил қўлайтириб бориш энг долзарб вазифадир. Кейинги йилларда шаҳар корхоналарида бирмунча ижобий сийлишлар рўй берди. Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Туркия, Хитой каби мамлакатлар ишбилармонлари билан қўшма корхоналар барпо этилиб, уларнинг қўли хозир махсулот ишлаб чиқармоқда.

Лекин бу шаҳар саноатчиларининг ҳамма ишлари жойида экан, дегани эмас. Ачинарли жойи шундаки, шаҳардаги деярли барча корхоналарда махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча пасайди. Машинасозлик саноати мажмуи корхоналарида энг асосий махсулотлар — экскаватор ишлаб чиқариш 84,3, компрессорлар 57,2, пахта териш машиналари 58,3, тракторлар 85,9 фоизга тушиб қолди.

Тошкент шаҳрида хозир 70 дан зиёд корхона зарар қўриб ишламоқда. Лекин шаҳар ҳокимлиги бу борада бирон бир таъсирли чора кўрмаётганини, амалий таъкид кийримаётганини қандай баҳолаш керак? Транспорт ва алоқа хизмати ёмонлиги ҳам тошкентликларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Савдо шохобчаларида, бозорларда тартиб жуда секинлик билан ўрнатилмаётир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳам нийҳоятда суст амалга оширилмоқда.

Шу ўринда ана бир марта раҳбарлик масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади, деди Президент. Чунки ислотхотнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир. Раҳбарлик, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб

олиши зарур. Раҳбар деган ҳаммадан қўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрт равақи йўлида елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда яна ҳам қаттиқроқ ишлаши шарт. Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида янада қўпроқ иш қилинмоғи, коррупция, порахўрлик ва рэкетга қарши бешафқат кураш олиб бориш лозим. Бу борада Тошкент шаҳри бутун мамлакатга намуна бўлиши керак. Тошкент аҳли азалдан меҳнатқаш, бир сўзли, оқилли, бағрикенг, юрт ва миллат учун бутун борлиги билан хизмат қилишга қаттиқ бел боғлаган фидокор инсонлардир. Ишончим қомилки, улар йўл қўйилган хато ва қамчиликларни биргаликда аҳиллик ва ҳамжихатлик билан бартараф этадилар. Тошкентни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан, бирига айлантирадilar, деди Президент пироварида.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. А.Фозилбеков бошқа ишга ўтгани муносабати билан шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президенти Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаб келатган Қозим Тўлағанов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Собир Раҳимов тумани ҳокими Х.Абдураимов, Шайхонтохур тумани ҳокими А.Миржалилов, Тошкент кишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи директори В.Карлов, "Махалла" хайрия жағмараси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Ш.Миралимов муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиқдилар.

Сессияда Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош Вазир ўринбосарлари қатнашди.

Республика Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқининг, тўла матни газеталарининг навбатдаги сонига эълон қилинади.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

К. Н. Тўлағановни Тошкент шаҳри ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93/-12-банди/ ва 102-моддасига мувофиқ:

Қозим Носирович Тўлағанов Тошкент шаҳри ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 15 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

К. Н. Тўлағановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этиш тўғрисида

Қозим Носирович Тўлағанов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 15 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. И. Фозилбековни Тошкент шаҳри ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93/-12-банди/ ва 102-моддасига мувофиқ:

Атхамбек Иброҳимович Фозилбеков бошқа ишга ўтгани муносабати билан Тошкент шаҳри ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 15 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони НАВОЙИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИГА ҚАРАШЛИ 2-ГИДРОМЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қўп йиллик ҳалол меҳнати, республиканинг иқтисодий ривожланишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагилар мукофатлансин:

"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН
КУЗИВАНОВ Анотолий Федорович — завод бош махсулотлар цехининг бошлиғи.

РАҲМАТОВ Махмуд — Комбинат марказий кон бошқармаси автотранспорт бошқармаси иккинчи транспорт цехининг хайдовчиси.

УШЛИК Александр Иванович — завод участкаси

завод бош муҳандиси.

Повременов Василий Васильевич — комбинат марказий кон бошқармаси ташқи сув билан таъминлаш бирлашган энергия хизмати цех бошлиғи.

ПРОХОРЕНКО Геннадий Алексеевич — комбинат марказий кон бошқармасининг директори.

Юматов Марк Раимович — завод бош механиги, бўлим муҳандиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН
АЛИХОНОВ Иван Антипович — ремонт — механика цехи бошлиғи.

ЗНАТУЛЛИН Алик Загидуллоевич — комбинат марказий кон бошқармаси автотранспорт бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

МАКАРОВ Евгений Генрихович — "Мурунтов" қони 2-участкаси бургулаш қурилмаси машинисти.

МИСЕРХАНОВА Наталья Геннадьевна — завод бошқармаси

муҳандиси

ПАВЛИЧЕНКО Борис Александрович — комбинат темирйўл транспорт бошқармаси ҳаракатдаги состав хизматининг бошлиғи

ПОЛИН Евгений Васильевич — "Мурунтов" қони "Западный" участкаси экскаватор машинисти.

САЛИХОВ Айвар Захарович — комбинат энергия хизмати ташқи сув билан таъминлаш цехи катта устаси.

САЛОМАТИН Евгений Никитич — "Мурунтов" қон тоғ ускуналарининг таъмирлаш цехи участка бошлиғи.

СЕМЕНОВ Иван Сергеевич — 2 кон металлургия заводи 2-цехи тегирмон машинисти.

СОЙНОВ Фарход Яхшиевич — завод қуйилтириш цех бошлиғининг ўринбосари — технология.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 14 июль.

